

## АДАБИЙ ДИСКУРСНИНГ БИР НАЗАРИЙ МУАММОСИГА ДОИР

Исомиддин Ёрматов,  
филология фанлари доктори,  
Ангрен университети “Тил ва уни ўқитиш  
методикаси” кафедраси профессори

**Аннотация:** Мақолада адабий асарларга хос поэтик олам категориясининг жаҳон ҳалқлари ва ўзбек адабиётшунослигидаги назарий тавсифи хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** поэтик олам, Шарқ ва Farb эстетикаси, бадиий дискурс, мотив, реципиент, образ.

**Abstract:** In this article, in a scientific-critical aspect, the emergence and the essence of the literary concept poetic world in the global and national context. The essence of literary traditions, is revealed the secrets of its vitality and types are revealed, transformations to the literature of later times.

**Keywords:** poetic world, literary mode, topos, literary mutual influence, literary discourse, artistic development, motive, plot, image, new thinking.

**Аннотация:** В данной статье в научно-критическом аспекте прослеживается суть литературоведческого понятия “поэтический мир” в национальном и общемировом контексте. В ней систематизируются и обобщаются различные подходы к понятию “поэтический мир”; определяются инвариантный смысл его границ, объема и содержания; в результате теоретического анализа обозначается структурная модель поэтического мира.

**Ключевые слова:** поэтический (художественный) мир, литературный топос, литературный модус, художественный дискурс, мотив, сюжет, образ.

Бадиий асар сюжети ва композициясида, шунингдек, модуси ва дискурсида реал воқеликка у қадар мос келмайдиган идеал бадиий олам шакллантирилиши ҳақидаги назарий қарашларнинг пайдо бўлиш тарихи антик ва Уйғониш даври мутафаккирларининг асарларига бориб тақалади. Чунончи, Арасту асар муаллифининг хаёлидаги бадиий олам мавжуд воқеликдан нима учун фарқланиши масаласига изоҳ берар экан, “чунки у тасвир воситасида ҳаракатни гавдалантира олгани учун ҳам шоирдир. Ҳатто унга ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеани тасвирлашга тўғри келганда ҳам у озми-кўпми шоир бўлиб қолади. Чунки ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеалардан айримларининг эҳтимоллик ва имконият туфайли қандай содир бўла оладиган бўлса, ўшандай содир бўлишига ҳеч нарса халақит этмайди. Бу жиҳатдан шоир уларнинг ижодкоридир»<sup>1</sup>, -деб ёзди. Унинг шогирди Фаробийнинг фикрига кўра эса, “...Инсон бир нарсани бошқа бирор нарсада бор, деб тасаввур қиласди. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигини ҳис ва исбот тасдиқлагандагина унинг ўша нарсада борлигига ишониб, ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги ёлғон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам, бу ҳаракат — феълни амалга

оширади. Чунончи, одамлар айтишади-ку, агар киши бирор нарсага назар солса, у нарса унинг хуш кўрмайдиган нарсасига ўхшаган бўлса, у ҳолда унинг тасаввурида ўша заҳотиёқ бу нарсага нисбатан хуш кўрмаслик ҳисси пайдо бўлади. Бунда у бирнарсадабирорбошқа нарсатимсолини кўз олдигакелтиради. Буэса, ўз навбатида, у нарсани ўша киши илгариўз кўзи билан кўрган бўлиши вашунингучунҳам у нарсанингтимсолиунинг кўзолдигакелган бўлиши мумкин”<sup>2</sup>.

Маълумки, поэтик олам бадиий ижоднинг муҳим қиррасини белгилаб берувчи категория саналади. Бироқ унинг назарий таърифи шўро даврида яратилган адабиётшуносликка доир луғат ва тадқиқотлар<sup>3</sup> ҳамда андижонлик ва хоразмлик олимлар мустақиллик йилларида эълон қилишган луғатларда<sup>4</sup> ҳам акс этмаган. Профессор Ҳ.У.Болтабоев тузган “Адабиёт энциклопедияси”нинг биринчи жилдида бадиий асарда зухр этилувчи поэтик олам масаласига тааллукли қўйидагича назарий фикрлар баён этилган: “Бадиий адабиёт илмий тушунча ва ғояларни образли ифодалаш билангина чекланмайди, у янгитдан ҳаёт яратади, дунё моделининг образли шаклларини тавсия қиласди ва бу билан дунё, унинг асрорини ўрганишда фанга ёрдам беради. Эйнштейн сұхбатларидан бирида шогирдларига: “сен табиат қонуниятларини яхши биласан, лекин даҳолик моҳиятини англамайсан” деган. Адабиёт бадиий ва илмий тафаккур соҳибларидағи ана шу даҳолик моҳиятини англашга ёрдам беради. Чунки адабий даҳоликнинг кишилик тарихидаги ўрни илмий даҳоликдан кам эмас. Аксинча, илмий даҳо қудрати билан яратилган қашфиётлар моҳиятини тушунишда бадиий адабиёт устуворлик қиласди”<sup>5</sup>. Бу фикрларни ўрганилаётган масала хусусида ўзбек адабиётшунослигига билдирилган энг яхши таъриф деб ҳисоблаш мумкин.

Шунга қарамай, ўзбек адабиётшунослигига поэтик олам тушунчасига доир фикрларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва тизимлаштириш, унинг мазмун-моҳиятидаги инвариант маъно талқинларига аниқлик киритиш ва истилоҳий чегарасини белгилаш, шу аснода бадиий оламнинг назарий-структурал моделинини шакллантириш масаласи тўлалигича очикланди, деб бўлмайди. Кези келганида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу йил етмиш йиллик тўйини нишонлаётган профессор Ҳ.У.Болтабоев тузган “Адабиёт энциклопедияси”нинг биринчи ва иккинчи жиллари илмий тадқиқот институтларининг йирик бўлимлари биргаликда амалга оширадиган меҳнатга teng ишдир. Ундаги энг адолатли ва маъқул ёндашув шундан ибратки, адабиётшуносликка оид аввалги қомус ва луғатлардан фарқли равища “европацентризм” тамойилидан воз кечилган. Миллий эстетикамиз ва бадиий тафаккуримизнинг сарчашмалари турк дунёси ва яралганидан буён у билан ёндош юрган Шарқ фалсафаси, ахлоқи ҳамда Ислом тамаддунига хос қадриятлар фонида ёритилган.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётшунослигига поэтик олам тушунчасига берилиши лозим бўлган назарий таъриф кечикишининг сабаби, бизнингча, бадиий адабиётга санъатнинг эмас, ижтимоий онгнинг бир тури сифатидаги,

шунингдек, муаллифнинг ижтимоий мансубияти билан алоқадор вульгар-социологик ёндашув оқаваларининг таъсири билан изоҳланади. Яъни шўро мафкураси санъатнинг воқеликка эстетик муносабати ҳамда бадиий асар воқеаларини уларнинг ҳаётий аналоги билан қиёсан таҳлил қилишдек муҳим масалага назарий поэтиканинг ноактуал жабҳаси деб қараб келди. Дунёдаги кенг китобхонлар оммаси, айтайлик, И.Бунин, М.Булгаков ва Лев Толстой асарларининг ўз тилларига табдилини излаб ўқиганлари ҳолда М.Горький, М.Шолохов ва А.Фадеев романларини ҳозир ҳам ўқимасликларининг сабаби шундан.

Ғарб адабиётшунослигида поэтик олам категорияси белгиларини назарий жиҳатдан ойдинлаштириш сайъи ҳаракати В. фон Гумбольдт фаолияти билан боғлиқ. У жумладан, поэтик оламнинг констант сажиясини реципиентнинг бадиий-эстетик тафаккур даражасига боғлайди<sup>6</sup>, Г.В.Ф. Гегель ҳам шундай қарашни маъқуллайди<sup>7</sup>.

XX арнинг 70-йиллари сўнгидаги Д.Лихачев эълон қилган “Бадиий асарнинг ички дунёси” (“Внутренний мир художественного произведения”) мақоласи дискурс назарияси ва поэтик олам категориясини англаш йўлидаги дадил қадам бўлди<sup>8</sup>. Шундан сўнг бадиий асарга, унда билвосита акс этган ички поэтик дунёга санъат меваси сифатидаги ёндашув С.Бочаров, М.Гиршман, В.Федоров, О.Федотов, А.Жолковский, Ю.Щеглов, О.Клинг, М.Гаспаров, Ю.Апресян, С.Павлов, М.Бахтин, Ю.Лотман, С.Шаталов, Р.Д.Тамарченко, В.Хализов тадқиқотларидан ўрин олди (улар тадқиқотларининг рўйхатини келтириш ушбу кичик мақола ҳажмини кенгайтириб юборган бўлур эди – *И.Ё. Аммо* ўрганилаётган муаммога бевосита алоқадор бўлган Н.Черткова мақоласи номини тилга олмаслик нохолислик саналиши мумкин<sup>9</sup>).

Уларнинг поэтик олам назарий қирраларини белгилашга қаратилган тадқиқотлари моҳиятан соф адабиётшунослик ва лингвопоэтик ўрамдаги икки хил изланишларга ажralади. Бироқ ҳар иккисида поэтик оламнинг структурал қисмлари устувор (доминант) ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб, яқдиллик билан таъкидланадики, поэтик олам – дунёнинг ижодкор онгига шаклланган картинаси. У “ташқи қобиқ”, яъни нутқ тизими билан ўралган эстетик аҳамиятли матннадаги универсал муносабатлар тизимидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бадиий асар поэтик оламнинг қобиғи, унинг мазмунида акс этадиган ёки детерминал имплицит йўсинида англанадиган обектив борлиқ ҳодисалари ва руҳий кечинмалар эса ички моҳиятни белгилайди. Бу ўринда поэтик олам тушунчалини билан адабий-бадиий тизим тушунчалари ўртасидаги ўхшаш вазифадорлик ва эстетик дефиниция моҳиятига қўпроқ аҳамият бериш лозим. Чунки улардан биринчиси мазмуннинг бўлиқлиги, бадиий мантиққа асосланиши ва узвийлигини ифодаласа, иккинчиси мураккаб ва қўпқатламли бадиий ифода тизими, инчунун, бадиий ўзлаштирилган ва қайта ўзгартирилган реаллик орқали бўй кўрсатади. М.Бахтин поэтик оламнинг ички кечимидағи хронотопнинг ўрнига катта эътиборни қаратган эди. Зотан хронотоп кечимида

хос белгилар бу улкан файласуф ва адабиёт назариётчисининг қарийб барча асарларига дарж этилган.

Шўро адабиётшунослиги терминологиясида бир адабий ҳодисани бир неча ном билан юритиш деярли одат тусига кирган эди. Хусусан, “поэтик олам” истилоҳи илмий манбалар ва дарсликларда “текст, бадиий матн, эстетик текст, контекст, интертекст, бадиий олам, бадиий бутунлик, интенцион предмет, виртуал реаллик, олам картинаси, дунё модели, бадиий реаллик” ва бошқа хил синонимик қатор билан юритилган. Энди бу хилма хилликка чек қўйиш вақти келди.

Хулоса қилиб айтганда, дунё ва ўзбек адабиётшунослигига эскирган стереотиплар ва примитив қоидалардан воз кечилиб, бадиий сўзни санъат ўлчамлари билан баҳоланаётган бугунги кунда қайси адабий тур ёки жанр намунаси бўлмасин, ундаги поэтик олам моҳиятига кириб бориш ва уни объектив талқин қилиш эҳтиёжи янги фундаментал тадқиқотлар учун йўл очади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Арасту. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида). Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ ҳақида). Риторика (Хитоба). –Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б.33.
2. Форобий Абу Наср. Шеър санъати. Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А.Ирисов.–Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.18-19.
3. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1967; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.– Т.: Ўқитувчи, 1979, 1983.
4. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том: Адабий асар. –Т.: Фан, 1978; Адабиёт назарияси. Икки томлик. Иккинчи том: Адабий асар. –Т.: Фан, 1979; Sulton I. Adabiyot nazariyasi/ Qayta ishlangan va to'ldirilgan uchinchi nashri. –Т.: O'qituvchi, 2005;
5. Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004.
6. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2010;
7. Салаев Ф., Курбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. –Т.: Янги аср авлоди, 2010.
8. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси (Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар).– Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б.207.
9. Гумбольдт В. Эстетические опыты. Первая часть. “О Германе и Доротее” Гете/Гумбольдт В. Язык и философия культуры. // М.: Прогресс, 1985. – С.160.
10. Гегель Г.В.Ф. Поэтическое и прозаическое произведение искусства / Гегель Г.В.Ф // Эстетика: В 4 т. – М.:“Искусство”, 1971. – Т.3. – С.362.
11. Лихачев Д.С. Внутренний мир художественного произведения / Лихачев Д.С.// Вопросы литературы. – 1968. – №8. – С.74-87.

12. Черткова Н. "В уме своем я создал мир иной": Поэтический мир как литературоведческая проблема // "Південний архів" (Збірник наукових праць. Філологічні науки). "Pivdenniy Arkhiv" (Collected papers on Philology).